
Расмий муносабат

Бугун ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон тумани Абдурахмон Жомий номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Илья Гребневнинг видеомурожаати эълон қилинди.

Унда фуқаро Илья Гребнев гўёки яшаш жойи мавжуд эмаслиги, оиласи билан уйсиз сарсон бўлиб юрганлигини маълум қилган.

Мазкур муурожаат юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Муурожаатчи Илья Гребнев 2014 йилда Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйини битириб чиқиб, шу йили унга Яйпан шаҳридаги Абдурахмон Жомий номли маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган кўп квартирали уйлардан 1 хонали турар жой ажратилган. Хали оила қурмаган фуқаро ўша вақтда мазкур хонадонда 6 ой давомида истиқомат қилган. Кейинчалик, ўз истагига кўра Шўрсув маҳалласида яшовчи холаси Гребнева Иринанинг хонадонига кетган ва 2021 йилгача холасининг манзилида ва ўзига маълум масканда яшаб юрган.

2022 йилдан оиласи билан биргаликда Шўрсув маҳалласидаги хонадонлардан бирида ижарада яшаган. 2023 йилнинг январ ойидан июн ойигача Шўрсувдаги хонадонда яшаши учун туман "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами олти ойлик ижара тўлови (жами 1 миллион 800 минг сўм) ўз муддатида тўлаб берилган.

2023 йилнинг июл ойида Абдурахмон Жомий маҳалласидаги уйига яшаш учун қайтган Илья Гребневнинг хонадонда бувиси истиқомат қилаётганлиги боис, ўзаро келишув асосида фуқарога бошқа 2 хонали хонадон ижарада яшаш учун топиб берилган. Ҳамда мазкур уйда яшаши учун ҳам тегишли тартибда туман "Саховат ва кўмак" жамғармасидан ижара тўлови тўлаб бериб келинмоқда. Хусусан, июл ойи учун 500 минг сўм маблағ тўлаб берилди. Айти кунларда фуқаро Илья Гребнев ўз оиласи билан биргаликда мазкур хонадонда яшаб келмоқда.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида фуқаро Гребнев ва унинг оиласи муурожаатларига асосан мазкур оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида туман "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан бир неча мартаба моддий ёрдам ва озик-овқат маҳсулотлари тақдим этиб келинмоқда.

2023-07-31 22:21:50